



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“16” апрель 2021 й. № 02-06/1857

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгалари, ташқи
реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

Нусхаси:

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи рекламни жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 августдаги 702-сонли қарорига мувофиқ 2018 йил 1 декабрдан бошлаб ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини бериш “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида **очиқ электрон аукционлар орқали** амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида” 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) **қуриш, ўрнатиш, уларга ер ажратиш, тўловлар миқдорини аниқлаш ва техник жиҳатдан тартибга солиш** масалалари юзасидан аниқ механизмлар жорий қилинган.

Хусусан, мазкур қарорнинг 3-банди талабларига мувофиқ:

а) Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги 702-сон қарорига мувофиқ реклама соҳасида амалга ошириши лозим бўлган фаолияти бўйича ишчи органи вазифасини Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси тузилмасидаги «Архитектура-режалаштириш бюроси» давлат унитар корхонасига юклаш;

б) ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида жойлаштириш ҳуқуқини («E-IJRO AUKSION» орқали) **фақат юқори технологияли ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) бериш**;

в) 2020 йил 31 декабрга қадар биринчи даражали марказий қатнов кўчаларида ҳамда 2021 йил 31 декабрга қадар иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида жойлаштирилган ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) юқори технологияли қурилмаларга босқичма-босқич ўзгартириш белгиланган.

Яъни, қарорда белгиланган ушбу талабларнинг асосий мақсади, Тошкент шаҳрининг архитектура ва меъморий ландшафтини янги технологияларни қўллаган ҳолда замонавийлаштириш назарда тутилганлиги инobatга олиниб, Тошкент шаҳрида бугунги кунда мавжуд бўлган ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) босқичма-босқич юқори технологияли қурилмаларга ўзгартириш ҳамда келгусида аукцион савдолари орқали ер участкаларида янги ташқи реклама объектларини

(конструкцияларини) жойлаштириш/ўрнатишга фақатгина улар юқори технологияли бўлган тақдирда рухсат бериш назарда тутилган.

Юқоридаги қарорлар талабидан келиб чиқиб, 2020 йил 1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳри ҳудудида **юқори технологияли бўлмаган** янги ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) «E-IJRO AUKSION» орқали ер участкаларида жойлаштириш/ўрнатишга **рухсат берилмаслиги қатъий белгиланганлигини** маълум қиламиз.

*Маълумот учун, ушбу қарор билан тасдиқланган ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўловлар миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандида, **юқори технологияли ташқи реклама объектларига (конструкцияларига)** — рекламани намойиш қилишнинг технологияси ҳамда видео экран, проекцияли мослама ва ахборот тасвирларини скроллерли ўзгартириш тизими (реклама майдонининг ички ёритилиши ва реклама хабарларини динамик равишда ўзгартирувчи реклама тизими) каби рекламани намойиш қилишда реклама объектларининг (конструкцияларининг) ахборот майдонидаги хабарларни динамик равишда алмаштириб турувчи тизимлари билан фарқланадиган реклама объектлари (конструкциялари) деб таъриф берилган.*

Директор ўринбосари



А. Қурбонов